

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ИЛ ЧИҚИШИ
№ 54 (1574)
16
МАРТ
ЧОРШАНБА
1960 ЙИЛ
БАҲОСИ
20 ТИЙИН.

Меҳнаткашларнинг манфаатлари йўлида

Республикамизда меҳнаткашларнинг социал таъминоти учун ажратилган давлат маблағлари йил сайини кўпаймоқда.

Ҳозирги вақтда пенсионерларга бир миллион 200 миллион сўмдан кўпроқ нафақа тўланмоқда. Ана шу мақсадлар учун қилинаётган харажатлар 1956 йилдаги нисбатан икки ярим баравардан зиёд кўпайди. Кўп болали ва ёлғиз оналарга йил-

га 324 миллион 477 минг сўм нафақа тўланмоқда.

Колхоз бойлиги ошиши билан бир вақтда қишлоқ жойларида социал таъминот кўламли ҳам кенгаймоқда. Қариллик, инвалидлик ва қарайдиган кишидан маҳрум бўлганлиги учун колхозчилардан 45 мингдан кўпроқ кишига пенсия берилмоқда.

Социал таъминот органлари ходимларининг 15 мартда Тошкентда очилган республика кенгашида доқлад қилган Ўзбекистон ССР Социал

таъминот министри В. С. Солиқова ана шуларни маълум қилди.

Кенгаш қатнашчилари ўз ишларининг ажуларини танқидий кўз билан таҳлил қилиб, республика социал таъминот органларининг фаолиятини янада яхшилаш йўллари муҳокама қилдилар. Кенгаш қатнашчилари учун социал таъминотнинг турли масалалари бўйича бир қанча лекция ўқилади. (ЎзТАГ).

Социалистик мусобақа ва партия ташкилоти

Шу кеча-кундузда қарғат борманг, завод, фабрикаларнинг кенг ва ёруғ цехларига кирманг, сон-саноксиз қурилиш майдонлари ва илмий муассасаларнинг лабораторияларига колхоз, совхоз далалари ва чорвачилик фермаларига назар ташламанг, ҳамма ёқда ижодий меҳнат мавж уратганининг жонли шохиди бўласиз, мўлжалланган маррага тезроқ етиб олиш учун умумхалқ ҳаракатининг янги формалари — коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлик ҳаракати оммавий тус олиб кетганлигини кўрасиз.

Ҳақиқатан ҳам саноат ва қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, халқ фаровонлигини юксалтириш соҳасида партия ташкилотлари ишлаб чиққан оқилона тadbирлар совет кишиларининг меҳнат активлигини мисли қурилмаган даражада кўчатириб юборди. КПСС XXI съезди ва партиянинг Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларидан бениҳоят руҳланган областимиз меҳнаткашлари ҳам ижодий куч-ғайратга тўлиб-тошган ҳолда етти йилликнинг иккинчи йили топириқларини муваффақиятли бажариш учун бошланган социалистик мусобақани тобора кучайтирмоқдалар, коммунистлар ва комсомоллар эса бу мусобақанинг олдинги сафида бормоқдалар.

Социалистик мусобақадан кўзга тутилган натижадан меҳнаткорларнинг ҳар сўзидан бажариш, янгиланган, кўп йиллар мобайнида кўлга киритилган тажрибаларни ўртоқлашиш, илгорларни рағбатлантириш, кейинда қозаётганларни олдингилар қаторига етказиб олиш ва пиروvard оқибатда умумий юксалишга эришишдир. Шунинг учун ҳам социалистик мусобақани чинакам оммавий ҳаракатга айлантириш партия ташкилотларининг шарафли бурчидир.

Областимиздаги кўпгина саноат корхоналари ва қурилишлар, колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотлари реал имкониятлар ва резервлардан моҳирлик билан фойдаланмоқдалар, меҳнаткашларнинг етти йиллик пиланини ошириб бажариш учун авж олиб кетган аjoyиб ватанпарварлик ҳаракатига бошчилик қилиб, қувончли кўрсаткичларга эришмоқдалар.

«Ўзбексельмаш» заводи коллективи КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми ва Ўзбекистон Коммунистик партияси XV съездининг қарорларига жавобан Москва динамичлари ташаббусига қўшилиб, кўклар эниш кампаниясига уяга чигитни белгиланган миқдорда ташловчи пахта селлакаларини аввал белгиланган 1000 та ўрнига 2000 та ишлаб чиқариш, шунингдек кватрагунлаб чигит эниш учун ўзлов симлари, трактор ўзеллари ва бошқа бир қанча запас қисмлар тайёрлаб бериш мажбуриятини олган эди. Ҳозир корхона коллективи социалистик мусобақани янада кучайтириб, бу мақсулотларни ишлаб чиқариш квартал пиланини муддатидан илгари бажариш учун астойдил курашмоқда. Завод партия ташкилоти (секретари ўртоқ Аюпов) олинган мажбуриятини муваффақиятли бажарилишини таъминлаш учун коллективнинг социалистик мусобақасига моҳирлик билан етакчилик қилмоқда.

Бу йил қиладиган ишларининг миқдоси жуда катта.

Илгор саноат корхоналари, транспорт ва қурилиш ташкилотлари коллективлари, илгор, колхоз ва совхозлар ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш учун ҳозирдан қизғин иш бошлади. Бу бежиз эмас, албатта. Мажбуриятлар шунчаки расмиёт ёки қуруқ ном чиқариб мақтаниш учун эмас, балки амалда бажариш учун олинади. Лекин мажбурият олиб, уни бажармаслик халқимизнинг таъбири билан айтганда ваъдага вафосизликдир. Шундай экан, мажбурият олдинги, уни албатта бажар, ўз аҳдинда қатъий тур!

Партия ташкилотлари омманинг буюкдек жўш уратган ижодий ташаббусига бошчилик қилувчи, уни олинган мажбуриятларини бажариш учун қурашга актив сафарбёр этувчи катта кучдир. Уларнинг аниқ муҳим вазифаси — олинган мажбуриятларнинг бажарилишини системали контроль қилиб боришдан, социалистик мусобақани ижодий тарзда уюштириб ҳамда коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлик ҳаракатини тобора кенгайтириб, унга моҳирлик билан бошчилик қилишдан иборат. Социалистик мусобақани ташкил атишда илгорлар тажрибасини ўрганиш ва кенг ёйиш, ўзаро тажриба алмашиб туриш партия ташкилотларининг диққат марказида бўлиши лозим.

Тошкент иқтисодий райони меҳнаткашлари Иваново меҳнаткашларини 1960 йил топириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақага қақирдилар. Киев халқ хўжалик кенгаши, шу жумладан Киев кўмир комбинати билан «Ўзбекуголь» комбинати ўртасида традицион мусобақа тавом элмоқда. Бу шубҳасиз икки ўртадаги дўстлик ва қардошлик алоқаларини янада мустаҳкамлайди ва яхши иқтисодий кўрсаткичларга эришиш имкониятини беради. Лекин бу соҳада айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Жумладан киевлик шахтерлар «Ўзбекуголь» комбинатига бир неча бор келганлари ҳолда биздан шу маҳалгача Киев комбинатига бирорта бригада боргани йўқ. Икки ўртадаги мусобақани янада жонлантириш, тажриба алмашишни йўлга қўйиб муваффақиятларини ўзаро ўртоқлашиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини унутмаслик керак.

Етти йилликнинг иккинчи йили ҳам яхши бошланди. Саноат корхоналари, транспорт ва қурилишлар, колхоз ва совхозларда 1960 йил пиланини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа тобора кенг қучоқ эймоқда. Демак, ҳамма ёқда ҳаёт қайнамоқда. Ижодий меҳнат мусобақаси мавж урмоқда. Ана шу умумхалқ ҳаракатига қатнашётганларнинг ташаббускорлигини ошириш, коммунистларнинг авангардлик ролини кўчатириш партия ташкилотларидан ўз ташкилотчилик қобилиятларини опчилик билан ишга солишни талаб этади.

Етти йилликнинг иккинчи йили пиланини муддатидан илгари бажариш учун бошланган социалистик мусобақани бутун чоралар билан янада кенг авж олдирайлик ва уни чинакам умумхалқ ҳаракатига айлантирайлик.



Н. С. ХРУЩЕВНИНГ Францияга қиладиган визити тўғрисида

СССР Министрлар Совети Раисининг Парижга етиб бориш муддати 23 мартга белгиланган.

Н. С. Хрущевнинг Франция Республикаси Президенти генерал де Голль тақдидига мувофиқ Францияга қиладиган давлат визити 3 апрелгача давом этади.



Кўп қатори Тошкентдаги «Подъёмник» заводининг тоқари КПСС аъзоси А. Новиков ҳам кўннинг 90 йиллиги шарафига меҳнат ваҳтасида туриб ишламоқда. У станоклар қувайдиган рационал фойдаланиш натижасида смена топириқларини 250—300 процентга етказиб адо этаптир. Суратда: ўртоқ А. Новиков.

В. Баскаков ва К. Рашидов фотолари, (ЎзТАГ фотохроникаси)

Давлатга сут сотиш квартал плани бажарилди

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қароридан илҳомланган республика колхоз ва совхозлари давлатга сут сотиш квартал пиланини муддатидан илгари 10 мартда бажардилар. Утган йилнинг шу пайтига нисбатан давлатга 1,8 баравар кўп сут сотилди.

Сут тайёрлаш давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.

Область касаба союз конференцияси

Яқинда Тошент область касаба союз советининг конференцияси бўлиб ўтди. Конференция қатнашчилари область касаба союз советининг иши ҳақида область советининг раиси ўртоқ С. Мусавнинг ҳисобот доқладини эшитиб, уни муҳокама қилдилар.

Доқладчи ва музокарага чиққан ўртоқлар касаба союз ташкилотларининг коммунистик партия раҳбарлигида социалистик мусобақани авж олдириб юборганликларини, областимиз халқ хўжалигининг ҳамма тарҳларида социалистик мусобақанинг янги формаси — коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлик номия олиш учун бошланган ташаббус оммавий тус олаётганини, мисоллар билан кўрсатиб бердилар.

Лекин шундай касаба союз ташкилотлари ҳам борки, улар корхона ва қурилишларнинг иқтисодий кўрсаткичларини оширишда ўз ҳуқуқларини имкониятларидан тўла фойдаланиб, социалистик мусобақани оммавий тус олишга етарли ғамхўрлик қилмаётдилар.

Конференцияда область касаба союз советининг янги состави сайланди. Пленумда ўртоқ И. Раҳматов област касаба союзлари Советининг раиси қилиб сайланди. Конференция қатнашчилари Ўзбекистон касаба союзларининг республика VI съезиди делегатлар сайладилар.

ЛЕНИН КУНИ ШАРАФИГА

Бир меёрда ишлаб

Коллективизм етти йилликнинг иккинчи йилида ҳам бир меёрда ишлаб аjoyиб натижаларни қўлга киритмоқда. Утган ойлар мобайнида пландагидан ташқари 450 минг сўмлик ялпи махсулот ишлаб чиқарилиши, Болгария, Руминия ва Хитой Халқ Республикалари закасларининг муддатидан олдин тайёрлаб жўнатилиши бунинг яққол далилидир.

Ҳозирги кунда меҳнатсевар коллективизм биринчи квартал топириқини анча ошириб бажариш ва доҳимиз В. И. Ленин туғилган кўннинг 90 йиллигини муносиб ҳадялар билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада авж олдириб юборди.

Бу мусобақада 1-ва 2-қозон цехларининг ишчилари олдинда бормоқдалар. Қуво пехиянинг Саид

Асанов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари айниқса баравари меҳнат қилаётдилар. Шу бригада аъзоларидан Усмон Сулейман, Владимир Шипата, Павел Каралинс каби ўртоқлар қўйилмавларнинг аъло сифатли бўлишига эришиш билан бир қаторда смена топириқларини ҳам 270-300 процентга етказиб бажараётдилар.

Машинасозларимиз ички резерв ва имкониятларни ишга солиб, асосий пландан ташқари қўшимча закасларни ҳам муваффақиятли адо этмоқдалар. Ҳозир қувочиларимиз Ўзбекистон трактор-йиғув заводида ҳар кўни 10 тадан трактор орқа кўприги тайёрлаб бераётди.

О. ЛЕВАК.

«Ўзбекхиммаш» заводи касаба союз комитети раисининг ўринбосари.

Пухта ҳозирлик кўрмоқдалар

Сталин номи колхозининг ўртоқ Ш. Абдурахмонов бошлиқ бригадаси аъзолари Владимир Ильич Ленин туғилган кўн шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, кўклар эниш кампаниясига пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Бу йил бригада 110 гектар майдонини ярмита кватрагунлаб чигит экади. Ҳамма ердати кўн икки томонлама парварши қилинади.

Бригада аъзолари ҳосилдорлигини ошириш мақсадида ҳозиргача 700 тонна гўнг чиқариб, 3 минг метрдан орқариқ ариқ-завурларни тозаллаб қўйдилар.

Улар ҳозирги ғанимат кулларида умумий фойдаланиб, яна 600 тоннага юқин гўнг тўлашга қарор қилдилар. Бунинг учун етарли миқдорда ишчи кучи ва транспорт ажратилди.

Бригадининг пахта майдонлари экишга тайёр бўлиб қолди. Пахтакорлар бу йил ҳаммаси бўлиб 300 тонна ҳосил еттиришини таъминлаш мақсадида доҳи туғилган кунгача чигит экишни таъминлаб, уш бир текисла ундириб олиш учун курашмоқдалар.

П. ЭРГАШЕВ, Оқдўғон райони.

МЕТАЛЛУРГЛАР МЕҲНАТ ВАҲТАСИДА

Ўзбекистон металлургия заводи барча цехларининг коллективлари Ленин ваҳтасида туриб ишламоқдалар.

Февраль ойи топириқини 107,6 процент бажариб, март ойида ҳам суръатли бўшаётган меҳнат қилаётган иккинчи марти пехи пўлат эритувчилари пехи тўбининг ҳар бир кватрат метридан 10 тоннага етказиб пўлат олаётдилар. Бу, белгилангандан қарийб 1,5 баравар орттирди. Пўлат эритувчилардан Н. Қрасен, Н. Зяблов, А. Алиев ва Н. Казаков ўртоқлар ўтган ойлар мобайнида пландагидан ташқари 15 вагон пўлат эритиб бердилар.

Мартен пехи коллектив тезкор усулда пўлат эритиш, металл, мазут ва электр қувватини тежаб қилиш ҳисобига етти йиллик фондида 200 минг сўм топириди. Мартенчилардан ўртак олиб ишлаётган корхона коллективининг ҳар бир аъзоси ана шу фондида имкони борича кўпроқ маблағ топириш учун барча мавжуд ички резерв ва имкониятларни ишга солимоқда.

Г. ГОФУРОВ.

Рангли металлургия саноатининг маркази — Олмалик шаҳрида иссиқлик электр станциясининг биринчи навбати ишга туширилди. Бу электр станция ўрта Осиё республикалари ягона энергетик системасига уланди. Шу йилнинг охирига бориб станциянинг иккинчи — сўнгги навбати ҳам ишга туширилади. Суратда: Олмалик ТЭЦининг бошқариш пўлти.

Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ўзбекистон автомобиль хўжалиги ва тош йўллар ходимларининг кенгаши

14 мартда Ўзбекистон ССР Олий Совети мажлислар заласида Ўзбекистон Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги ҳамда алоқа ходимлари, автотранспорт ва тош йўллар ишчилари касаба союз республика комитети партия-хўжалик активининг кенгаши бўлди.

Республика Автомобиль транспорти ва тош йўллар министри И. В. Стрельцовнинг министрлик корхоналарининг 1959 йилги иш ажуларини ва 1960 йилги пиланини бажарилишини таъминлаш соҳасидаги вазифалар тўғрисидаги доқладини муҳокама қилишда автобазалар, ва ремонт корхоналарининг раҳбарлари, йўл қурувчилар ва илгор ишлаб чиқариш ходимлари қатнашдилар.

Кенгаш қатнашчилари юк ташиш ва автомобиль шохбодчаларини ривожлантириш юзасидан етти йилликнинг иккинчи йили пиланини муддатидан илгари бажарилиши кўзда тутилган мажбурият олдилар. Министрлик корхоналарининг коллективлари Украина ва Тожикистон автомобильчиларини ҳамда йўчиладарини социалистик мусобақага чақирдилар.

Кенгаш ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюро аъзолари М. А. Абдуразоқов, А. Н. Рудин, Ф. Е. Титов, Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюро аъзолигига қандидат К. М. Муртазоев иштирок едилар. (ЎзТАГ)

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Туғилган кўнига 50 йил тўлганлиги муносабати билан ва республикада ирригацияни ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан Ўзбекистон

ССР Сув хўжалиги министрининг ўринбосари Алексей Иванович Тихомиров Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиги билан мукофотланди.



